

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги

Қарши Муҳандислик Иқтисодиёт Институти

«Иқтисодиёт» факультети

«Менежмент» кафедраси

“Стратегик менежмент”

Фанидан

МЖ-31 гуруҳ талабаси Носиров Нурбекнинг

КУРС ИШИ

Мавзу: Ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхонада ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш йуллари

Бажарди:

Носиров Н.

Қабул қилди:

ТемироваФ.

Қарши

МУНДАРИЖА

Кириш:

I Боб: Корхона харажатларини моҳияти ва аҳамияти

1.1. Корхоналарни моддий ва молиявий харажатлари ва уларни моҳияти.

1.2. Маҳсулот таннарни ва унинг элементлари.

II -Боб: Корхоналари молиявий харажатларининг мазмуни ва самарадорлигини аниқлаш.

2.1. Маҳсулот реализацияси ва ишлаб чиқариш харажатлари

2.2. Фойда миқдори таъсир этувчи харажатлар

III- Боб. Ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхона харажатларни тежаш ва самарадорлигини ошириш йўллари.

3.1. Корхона муомала харажатлари.

3.2. Корхона харажатларни тежаш ва самарадорлигини ошириш йўллари.

Хулоса

Адабиётлар

Кириш

Бозор иқтисодиётининг муҳим талабларидан бири кам харажат қилиб максимал даражада фойда олишдир. Ҳозирги даврда тадбиркорлар йирик фирмани эмас, кичик корхоналарни ташкил этиб фойда олишлари осонроқ. Кичик корхоналар нисбатан мустақил ҳаракат қилиб тез фурсатларда даромад олади. Шунинг учун ҳам республикамизда кичик корхоналар, тадбиркорларга президентимиз катта имкониятлар яратиб берапти. Корхоналар тўғри харажат қилиб, фойда олиши иқтисодиётда катта рол уйнайди. Ҳар бир фаолият юритаётган корхона албатта фойда олишга эришиш ва рентабеллик даражасини ошириш муҳим ҳисобланади, чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай мулк шаклидан қатъий назар корхона кўп харажат қилиб фойда олмаса касодга учраши муқаррар. Фойда шаклланиши билан корхона бюджет ва банк билан фойда ҳисобидан бир қанча муносабатларни амалга оширади. Корхона фойда олмаса бу муносабатлар бўлмайди ёки қийинлашади, корхона касод бўлиш даражасига келади.

Ҳозирги шароитда республикамизда корхоналарнинг кўпчилиги мустақил равишда фаолият юритиб катта ютуқларга эришмоқда.

Чунки улар ўз харажатларини ўзлари белгилайди.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар хўжалик фаолиятининг тактикаси ва стратегияси бозор қонунларига мувофиқ ҳолда шундай ишлаб чиқариш ва сотиш сиёсатиغا йўналтирилган бўлиши керакки, ушбу йўналиш ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни тўлиқ қондиришга, айланма маблағларни айланишини тезлаштиришга, рақобатбардошликни оширишга имкон бериши керак.

Ҳозирги бозорлар тез ўзгаришга учрамоқдалар. Кенг қамровлилик ва технологик ўзгаришлар билан бир қаторда ҳукмдорликнинг ишлаб чиқарувчилардан улкан чакана сотувчиларга ўтиши, аҳоли томонидан ички дўкон товарларини, чакана савдо янги шакллари қабул қилишнинг тезлашуви, истеъмолчиларнинг баҳоларга ва қимматдорликларга бўлган сезувчанлигининг ортиши, оммавий маркетинг ва рекламанинг ролини камайиши, савдо маркаларига содиқликнинг пасайиши каби жараёнларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Бу ўзгаришларнинг барчаси турли хил мулк шаклидаги корхоналар раҳбарларини ўз стратегияларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилмоқда. Фойдани химоя қилиш мақсадида, корхоналар биринчи навбатда ўз харажатларини қисқартириши, ички ва ташқи жараёнлар тузилмасини қайта қуриши, ишчи кучи ҳажмини камайитириши лозимдир. Бироқ, турли хил харажатларни камайитирган корхоналар ҳам, агар уларда маркетинг интуицияси ва маркетинг «ноу-хау»си етишмаса, катта даромадлар ола олмайдилар.

I Боб: Корхона харажатларини моҳияти ва аҳамияти

1.1. Корхоналарни моддий ва молиявий харажатлари ва уларни моҳияти.

Бозор иқтисодиёти шароитида кимга ва қанча тулаш корхона раҳбарларини ўйга толдирувчи энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Социалистик тузум раҳбарлар олдида бундай муаммоларни қўймаган, одатда барча кишилар вазирликлар томонидан белгиланадиган ва давлат бюджетидан тўланадиган, эгаллаган лавозимига мос ўзгармас, бир хил маош олар эди. Ҳозирги пайтда ҳаётимизга кириб келатган капиталистик муносабатлар ходимлар меҳнатининг самарадорлигини баҳолаш ва уларга ҳақ тулаш масаласини биринчи ўринга олиб чиқмоқда.

Мехнати учун жуда арзимас ҳақ оладиган ходим яхшироқ иш топган заҳотиёқ ишдан бўшаб ва ҳаттоки рақобатчи томон хизматиға ўтиб, ўзининг собиқ иш берувчиларини анча ташвишга солиб қўйиши мумкин.

Окибатда корхонани фаолиятининг самарадорлиги маълум бир вақтда камаяди. Чунки янги ходим топгунча унинг вазифалари собиқ ҳамкасблар зиммасига юкланади ёки уларни ҳеч ким бажармайди.

Ходимларга ҳаддан ташкари куп ҳақ тулаганда, корхона ривожланиши учун сарфланадиган фойда кам қолади (ёки умуман қолмайди).

Куришиб турибдики, тушумнинг маълум бир миқдорида уч элемент бир-бири билан узвий боғлиқ. Демак, иш ҳақи миқдори оширилганда, ё харажатларни камайтириш зарур, ё фойда уз-уздан камаяди. Харажатларни камайтиришнинг турли усуллари мавжуд, бироқ улардан бирини асосли равишда танлаш учун ҳисобга олиш маълумотларига таяниш зарур. Бу жиҳатдан корхонада мавжуд маълумотлар, одатда бухгалтерлик маълумотлари билан чегараланади.

Табиийки, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бундай маълумотлар етарли эмас. Америкалик Д. Харрис 1936 йиллардаёқ бундай вазиятдан чиқиш йулини топган эди.

У тўғри харажатлар ҳисобини юритишни англатувчи “директ - костинг” (ёки директ-кост) (direkt-costing) тушунчасини муомалага киритди. (Директ - костинг -таржима қилганда унга бошқариш ҳисоби маъноси берилиб, қуйидаги функциялар белгиланган: харажатларни тўғри ва қўшимча харажатларга ажратиш, умуман корхонанинг, тузилмавий бўлинмаларнинг, ҳар бир ходимнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек корхона ходимларининг фаолиятини корхона учун зарур йуналишда рағбатлантирувчи меҳнатга ҳақ тулаш тизимини яратиш.)

Ўзгарувчан харажатларни ҳисобга олишни у “вэриабл-костинг” (virebl - costing) деб номлаган.

Ҳар қандай бошқарув қарори фақат объектив маълумотларга асосланган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Раҳбар ҳар доим унинг корхонаси қанчалик самарали фаолият юритаётганлиги, олинаётган тушум ёки ишлаб чиқариш харажатларининг динамикаси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (сотилаётган товарлар, таклиф этилаётган хизматлар) миқдориға мавсумий омилларнинг таъсири тўғрисида маълумотга эга бўлиши лозим. Корхона ҳўжалик фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, ўзгарувчан бозор шароитларига тезда қайта мослашиш имконини беради. Бундан ташкари, бошқарув ҳисоби компаниянинг ички назорат тизимини, унинг алоҳида тузилмавий бўлинмалари ва уларнинг ходимлари устидан назоратни кескин кучайтиради. Янада самаралироқ режалаштириш, шунингдек, режалар ижросини назорат қилиш имконияти пайдо бўлади.

Яхши шакллантирилган ташкилий тузилма ходимлар билан самарали ишлаш учун ҳам асос ҳисобланади. Корхонада ҳар бир мутахассисни урни ва функциялари аниқ белгиланган ҳолдагина ходимларни танлаш харажатлари узини оқлайди. Шундан сунг бошқарув ҳисобини юритиш тизими уз самарасини бера бошлайди. Корхона, унинг тузилмавий бўлинмалари ва ҳар бир ходимнинг иш самара-дорлигини эса фақат унинг ёрдамидагина ҳолисона баҳолаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойда муҳим категория ҳисобланади. Миллий иқтисодиётнинг барча соҳасида асосий мақсад-фойда олиш ва уни қутаришдир. Ривожланган мамлакатларда маълум миқдорда фойда олмасдан фаолият юритувчи корхоналар ҳам мавжуд. Шундай бўлса ҳам фойда бозор иқтисодиёти шароитида асосий рол ўйнайди. Фойда категорияси иқтисодий назариянинг объекти сифатида бир неча юз йиллардан бери ҳамда ҳозиргача унинг моҳияти ва шакллари тўғрисида ҳозиргача талкин этиб келинади.

Иқтисодий назарияға оид купгина вадабиётларда фойда категорияси даромад, капитал, фоиз, уларнинг ставкалари билан боғлиқ ҳолда баён этилади. Фойданинг ялпи сарфлар чегирилган

умумий тушумни акс эттиради. Чегириладиган сарфлар таркибига иш хаки, ижара тўлови, материал учун харажатлар, ёқилғи, йигма буюмлар, амортизация, ссуда буйича фоизлар, солиқлар, захиралар ва ҳақозалар киради.

Иқтисодий адабиётларда фойда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишдан келган даромад деб курсатилади. Ишлаб чиқариш омиллари асосан меҳнат, ер ва капитал ҳисобланади.

Фойданинг мазмунини қуйидаги хусусиятларда қуриш мумкин:

- Фойда тадбиркорлик фаолияти учун ҳақдир;
- Фойда бошқаришдаги талант учун ҳақдир;
- Фойда таваккалчилик фаолияти учун ҳақдир;
- Фойда монопол фойдани англатади.

Корхона учун аввало кўпроқ фойда олиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун фойданинг ўлчаниш даражасини билиш лозим. Агар корхонанинг йиллик фойдаси 5,5 млн сўм бўлиб, капитали 55,5 млн сум булса, бу яхши натижа. Корхонанинг йиллик фойда даражаси корхонанинг йиллик обороти ёки унинг капитали миқдори билан таққосланади.

Корхона фойдаси давлат бюджети даромадларининг юзага келишида асосий восита ҳисобланади, чунки, фойда оладиган ҳар бир корхона албатта солиққа тортилади. Фойда мамлакат молия тизимида корхоналар молиявий фаолиятининг натижаси сифатида муҳим рол ўйнайди. Молия тизими давлат бюджети, корхоналар молиеси, суғурта ташкилотлари ва кредит муассасаларининг фаолиятлари асосида шаклланади. Шундай экан бозор шароитида корхона фойдаси жуда катта аҳамиятга эга. Фойданинг юзага келиши унинг тақсимланиши натижасида иқтисодиёт ва корхонанинг ўзи учун зарур булган пул маблағлари юзага келади. Жамиятда ишлаб чиқариш соҳаси ва ноишлаб чиқариш соҳаси ҳам пул маблағлари билан тахминланади. Молия тизимининг шаклланишини корхоналарда фойдасиз тасаввур қилиб бўлмайди, ҳозирги шароитда ҳар бир корхона фойда олиши лозим, агар фойда олишга эришмаса у фаолиятини давом эттира олмайди. Бозор иқтисодиёти ҳам шуни талаб қилади.

Меҳнатнинг моддий харажатлари қуйидагилардан иборат:

- Маҳсулотга қушиладиган хом ашё ва материаллар -сотиб олинган материаллар А)(ишлаб чиқаришни меъёр ида утишини тахминлаш, эҳтиёт қисмлар , маҳсулотларни ураш, жойлаш учун материаллар ва хоказо).
 - Ишлаб чиқариш хусусиятига эга хизматлар ва ишлар.
 - Табиий хом ашё (сув, ёғоч ва хоказо).
 - Энергия ва ёқилғининг ҳамма турлари.
 - Материалларнинг табиий қамаиши.
- Б) Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга тўловлар:
- Бажарилган ишлар учун тўловлар.
 - Қўшимча тўловлар.
 - Ишланмаган вақтлар учун тўловлар
- В) Ижтимоий суғуртага ажратмалар:
- Иш хаки фондига нисбатан ажратмалар.
 - Нодавлат нафақа фондига , ихтиёрий тиббий суғуртага ва бошқа ихтиёрий тўловлар.
- Г) Асосий фондлар ва номатериал активлар амортизацияси:
- Асосий фондларнинг эскиришига қараб бош бирламчи баҳодан ажратма.
- Д)Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар:
- Ишлаб чиқариш жараёнига курсатилган хизматлар.
 - Ишлаб чиқариш хом ашё ва материаллар билан тахминлаш.
 - Асосий фондларни ишчи ҳолда сақлаш харажатлари.
 - Ут учуришни тахминлаш ва қоровуллар.
 - Ишлаб чиқариш асосий фондларини ижара хаки ва х.к.

Молиявий фаолият харажатлари

- Банкларнинг узок ва киска муддатли кредитлари учун тўловлар.
- Узок муддатли ижара учун тўловлар .
- Валюта курсининг узгариши сабабли фойда ва зарарлар.
- Корхонанинг уз кимматбаҳо коғозларини чиқариш ва таркатиш харажатлари.

1.2.Махсулот таннархи ва унинг элементлари.

Махсулот таннархи - махсулот , ишлаб чиқариш, иш ва хизматлар харажатлар ҳисобини юритишнинг пулдаги ифодасидир.

Харажатлар ҳисобини тўғри ва оқилона ташкил этиш , ва энг аввало, молия-хўжалик фаолиятини ҳисобини юритишни ташкил этиш меъёр ей усули даб аталган усулни жорий этиш корхоналар учун энг муҳим муаммолардан биридир.

Бунинг зарурлиги катор ҳужжатларда курсатиб утилган, хусусан, Ўзбекистон Республикасида Бугалтирия ҳисобининг миллий андозаларига талукли “Товар-моддий захиралар”деб аталган 4-бобда дейилди: “ Махсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисобини юритиш усуллари ишлаб чиқариш турига , махсулот турига ,унинг мукарамлигига боғлиқдир. Ҳисоб юритишнинг асосий усуллари қуйидагилардир: меъёр ий буюртмавий ва чекланган”.

Бирок , ҳозирда корхоналарда амалда булган таннархи бошқариш амалиёти куп жихатдан замонавий талабларга мос келмайди. Чунки, у мунтазам тусга эга эмас ва харажатлар камайишини тахминлайди. Утказилган татқиқотлар таннархи бошқаришни тубдан яхшилаш учун уни харажатларини бошқаришнинг асосий элементларидан бири ялпи меъёр ий тизими сифатида ташкил этиш зарурлигини курсатмокда . Шундай қилиб зарурки, унда мазкур тизим ҳақиқатдан ҳам умумий ва яхлид булади, у барча бошқарув даражаларини камраб олиши ва меъёр ий усулга асосланмоғи даркор. меъёр ий усулга асосланиш шундан иборатки, бунда бошқарилаётган объектга тахсир курсатиш тўғрисидаги қарор меъёр ий курсаткичлар чекинишлар руй берган ҳақидаги ахборотлар асосида қабул қилинади. меъёр ий усулга хос булган харажатлар меъёр ларидан чекланишларни мунтазам равишда аниқлаб бориш ортикча харажатлар (салбий чекланишларни бартараф этиш юзасидан ташкилий, технологик маҳмурий ва иқтисодий чоралар қуриш имконини беради ҳамда натижада таннархнинг камайишига ёрдам беради.

Таннархнинг меъёр ий ҳисоби у яратаётган ахборотга автоматик тарзда ишлов бериш умумий куп максадни қўзлаган ҳолда тартибга солишни ҳамда харажатларни ҳозирда ва истикболда бошқаришда амалдаги меъёр ва меъёр ийлардан фойдаланишни тахминлайди.

Корхона ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг технологиясидаги ўзига хосликларни урганиш шуни курсатдики, меъёр ий усул уз хусусиятларига , имкониятларига ва камров даражасига қўра «Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобига олиш усули» дан анча чуқур ва кенг камровлидир. Айнан шунинг учун ҳам у кишлоқ ҳужалиги тузилмаларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти ҳисобини юритишни ташкил этиш усули сифатида қўлланиши мумкин.

Меъёрий ҳисоб жорий этилишини тахлил қилиш шуни курсатмоғдаги, унинг тарқалиш ҳудуди ҳали етарли эмас. У қисман зироатчиликда, чорвачиликда ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда қўлланилган. Гарчи таннарх ва бошқа курсаткичларни шакллантириш куп жихатидан шунга боғлиқ бўлса ҳам ундан тахминот-тайёрлов , молия-сотув ва ташкилий соҳаларда фойдаланилмайди. Масалан, тахминот -тайёрлов соҳасини меъёр ий ҳисобга олиш, етказиб бериш ҳажми, олинган хом ашё ва матириаллар сифати, йул – тайёрлов харажатлари, тушириш ва юклаш харажатлари ва ҳақозоларни ахборот билан

куллаб-кувватлашдан иборат. Шундай вазиятда меъёр ий ҳисоб тулик булмайди, аниқланган чекиниш ва узгаришлар эса ҳар доим ҳам таҳсир килувчи омиллар билан мос келаверади.

Илгор меъёр ий базалар мавжуд булиши меъёр ий методни жорий этишнинг энг асосий шартидир. Бунинг учун кишлок хужалиги тузилмаларидан ягона меъёр ий хўжалик ташкил этилади. Чунки меъёр ий қалғуқулияларни тўғри ташкил этиш яна шунга боғлиқдир. Корхонада маҳсулот таннархи фақат бир марта ва йилнинг охирида аниқланиши туфайли жорий йилнинг узида айрим ишлар ва хизматлар таннаrxини агро техник ва технологик карталар асосида ҳисоблаб чиқиш лозим.

меъёр ий хужалигида норма ва меъёр ийлар меъёр лаштирилади, нормалар ҳаракати, назорат ва унинг сифатини таҳлил қилиш ҳисоби юритилади. Бунинг учун меъёр ий хўжалик аҳоли тўғрисида ички ҳисобот шакллари жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Унда амалдаги норма ва меъёр ийлар, эскирган нормаларни уларни янгилаш муддатини, камров даражасида (меъёр лаштириш даражаси) ҳамда давр охирига қилиб нормалар ва меъёр ийлар билан амалга оширилган барча жароёнларни курсатган ҳолда қайта қуриб чиқишга оид тадбирлар акс этирилади.

Яхши ташкил этилган меҳнатдан ва моддий бойликлардан оқилона фойдаланиш (меҳнат, уруғлар, озикалар, уғитлар, ёнилғи-мойлаш материали, усимликларнинг химоялашнинг қимёвий усуллари, ветеринария дори-дармонлар, препаратлар ва ҳақозоларга ҳақ тулаш учун пул маблағларини сарифлаш) устидан тезкор иқтисодий назорат тизими меъёр ий ҳисоб шароитда биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Энди меъёрий усулнинг ташкил этувчи элементларига батафсил тухталамиз.

*ишлаб чиқариш бўйича технологик карталарни ва ташкилий – техникавий карталарни ишлаб чиқариш (кишлок хўжалик ишларининг айрим қизгин даврлари) ҳамда экин майдони ва бирлигига сарфланган харажатларни аниқлаш; айрим иш турлари, ишлаб чиқаришнинг технологик босқичлари (ёки уларнинг бир қисми), меъёр ий вазифалари асосида узок давом этмайдиган давр учун таркибий хўжалик бўлималарига қўйлок хужалиги даврлари учун меъёрий ҳисоб-китобларни (тезкор ва қисқа муддатли вазифалар) тузиш;

*амалда бажарилган ва механизациялаштирилган одатда, қулда бажариладиган ишлар, меҳнат сарфи ва меҳнатга ҳақ тулаш фонди харажатлари ҳажмий ҳисобга олиш: ҳисобга олиш ва меъёрий ҳисоб-китоблар маълумотлари асосида амалда бажарилган, лекин меъерийлардан қузда тутилмаган, шунингдек, бажарилмаган, лекин тегишли тартибда қайд этилган ишлар ҳажмини аниқлаш: меҳнат сарфи, меҳнатга ҳақ тулаш фондида ҳисоблаб езилган маблағлар, ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар таннаrxининг меъерий ҳисоб-китоблари асосида амалда бажарилган иш учун ердамчи ва хизмат ҳажмини аниқлаш:

- бухгалтерия ҳисоби регистрларида ҳар бир кишлок хужалиги экини (бир турдаги экинлар) бўйича жорий (амалдаги) харажатлардан чекинишни ҳисоб-китоблар моддалари асосида ҳамда уларнинг вужудга қилиш жойлари, сабабларини, шунингдек, хатти-ҳаракатлари ушбу чекинишларга олиб қелган аниқ шахслар (ортиқча сарф харажатларда айбдор бўлганлар ёки тежамкорлик ташаббускорлари)ни аниқлаган ҳолда қайд этиш: харажатларнинг норма асосида узгариш ҳажмини аниқлаш ва уларни бухгалтерия ҳисоби регистрининг «Меъерий ҳисоб-китоблар асосида устунида акс этириш:

- йил охирида (уруғлар, ердамчи ва хизмат курсатувчи ишлаб чиқаришларнинг ҳақиқий таннаrxи ҳисоб-китоб қилганидан сунг) меъерий ва амалдаги таннаrx уртасидаги фарқларни аниқлаш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисоби регистрида акс этириш.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда сарф-харажатларни маҳсулот турлари бўйича (ҳисобга олиш объектлари бўйича) меъерий усулда ҳисобга олиш икки йуналишда, яъни харажатларни жорий (амалдаги) меъерлар доирасида ҳисобга олиш ва меъердан чекинишларини унинг аниқ сабаблари, вужудга қилиш жойи ва мағсул шахсларни курсатган ҳолда ҳисобга олиш йуналишларида амалга оширилмоғи лозим.

Бундай чеклашлар ҳисоб ҳужжатларининг еки чекинишларни кайд этиш жараенларининг тегишли тартибида булинишларига олиб келади. Хусусан, меғерий ҳисоб-китобларда кузда тутилган меҳнат сарфи ва пул-моддий харажатларини амалга оширишда, одатдаги ҳолатда зарур булган бирламчи ҳужжатлар тузилади, уларда харажатларнинг ҳақиқий миқдорлари (норма ва меғерийлар доирасида) акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш учун моддий бойликлар ва иш ҳақи тулаш учун пул маблағларининг меғердан юкори даражада сарфланиши рангли коғоздан еки узунасига рангли чизик тортилган коғоздан тайерланган махсус сигнал (дастлабки) ҳужжатлари билан расмийлаштирилиши зарур. Уларда йул куйилган чекинишларнинг жойи, сабаблари ва унинг муайян айбдорлари курсатилади. Сигнал ҳужжатларига, албатта, корхона раҳбари еки унинг уринбосари имзо чекади. Шунингдек, бунда кайд этишнинг бошқа усуллари ҳам кулланиши мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатларининг жамлама ҳисоби меғерий усулда 20,23-сонли бош ҳисобракамларга нисбатан урнатилган моддалар номенклатураси асосида ва бошқа усулда нормадан чекинишлар ва узгаришларни норма доирасида харажатларга таксимлаш асосида амалга оширилади. Шунинг учун вазифа- ушбу харажатларни тартибга солинган акс эттиришини дастлабки ҳисоб даражасида еки хатто жамлама –йигма (гуруҳланган) ҳисоб булган ишлаб чиқариш ҳисоби даражасида колдирмасдан уни тахлилий ҳисоб регистрлари даражасига етказишдан иборатдир.

Шундай қилиб, меғерий усул ҳисоб ва назоратининг усуллар тизимидир, шунингдек у кишлоқ ҳужалигида харажатларни бошқаришнинг муҳим воситасидир. Уни тезроқ амалга жорий этиш учун қуйидаги тартиб бўйича батафсил ишлаб чиқилиши зарур:

- махсулот ишлаб чиқаришда харажатлар ҳисобини юритиш учун меғерий усулни куллашнинг умумий тавсифи ва мазкур усулни корхоналарда куллашнинг узига хосликлари;
- кишлоқ ҳужалиги корхоналари шароитида меғерий база ва меғерий таннархнинг ҳисоб-китоб қилиш (меғерий базанинг роли ва аҳамияти, меғерий база бюросини ташкил этиш ва унинг фаолиятини йулга қуйиш);
- бирламчи ҳужжатлар тавсифи ва уни меғерий усул шароитида куллаш тартиби (бирламчи жамлама ҳужжатларни куллашнинг узига хосликлари, норма узгариши ва ундан чекинишлар ҳақидаги ахборотларни кайд этиш тартиби);
- меғерий усулни ишларни бажариш ва хизмат курсатиш сифати ва муддати устидан тезроқ назорат урнатиш, ҳужжатлар билан расмийлаштириш техникаси ва меҳнат, унга ҳақ тулаш, уруғларни сарфлаш, озуқа, енгилги мойлаш материаллари ва бошқа моддий бойликлар сарфи, умумий ишлаб чиқариш харажатларини меғерий усулда ҳисобга олиш, бажарилган ишлар, курсатилган хизматлар, ишлаб чиқарилган махсулотнинг жамлама ҳисобини ташкил этиш);
- корхона тузилмаларининг саноат, ердамчи ва хизмат курсатиш тармоқларида меғерий усулни куллаш тавсифи: махсулотларини қайта ишлаш, шунингдек, хўжалик эҳтиёжи учун бошқа материалларни тайерлаш ва уни бошқа томонга сотиш харажатларининг меғерий ҳисобини ташкил этиш. Сарф харажатлар моддалари бўйича меғерий ҳисобот юритиш ва тезроқ назорат урнатиш технологияси, шунингдек, харажатларнинг жамлама (тахлилий ва синтетик) ҳисоби техникаси моҳиятини аниқлаш.

Энди ердамчи ва хизмат курсатувчи тармоқлар сарфини меғерий усулида ҳисобга олишга келсак, унда бу булимнинг ушбу қисмида юк ташиш ишларида юк машиналаридан фойдаланиш, тағмирлаш –механика устахонаси ҳамда бошқа ердамчи ва хизмат курсатувчи тармоқлар иш устидан (ҳар бири бўйича алоҳида) тезроқ назорат урнатиш шакли, ҳисоб юритиш ташкил этиш қоидалари ва унинг тартибини баён қилиш лозим. Айни пайтида технологик жараенлар ва хўжалик операцияларининг узига хосликлари уларнинг турларига қараб алоҳида ҳисобга олиномоғи лозим:

- Меғерий усул шароитида ишлаб чиқаришини самарали бошқариш учун зарур булган тезроқ иқтисодий назоратини амалга оширишнинг асосий тавсифлари :

Харажатларни меѓерий усулда хисобга олишга доир мағлумотлардан корхона ва унинг таркибий бўлинмаларининг хўжалик хисобидаги фаолияти якунларини чиқариш мақсадида фойдаланиш :сарф харажат нормаларининг бажарилиш устидан тезкор назорат урнатиш ва тахлил килиш :харажатларни тахлил килиш, нормадан чекиниш сабаблари ва унга йул куйилганлиги учун жавобгар булган шахсларни аниклаш, ишга хўжалик хисоб-китобларини натижаларини аниклаш ва ишлаб чиқариш жараенида уларни такомиллаштириб бориш учун хўжаликда тасдиқланган меѓерлардан фойдаланиш: пул моддий бойликларининг сарфланиши ,иш хаки езиш ва хоказоларга доир бирламчи хужжатларни бевосита расмийлаштириш жаренида тегишли қарорлар қабул килиш ва тезкор назоратини ташкил этиш:

Тахлилий ва сентетик хисобда ишлаб чиқариш харажатларининг хисоб-китоб моддалари, хисоб объектлари , норма ва меѓер ийлардан чекиниш жойини бунга айбдор булган шахсларни курсатган холда гурухлашувни тахминлашини кузда тутган холда хар бир иш участкасида кирувчи ва ишланувчи ахборотлар туплами шакллантирилиши лозим. Шундай килиб, меѓер ий хисоб фақат харажатлар хисоби ва махсулот таннархи хисоб-китоби билан чекланиб колмайди . У меѓер ийлардан чекинишни хисобга олишни мехнатни моддий тахминлаш, ундан самарали фойдаланиш , техника ва ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқарилган махсулотни сотиш ва соф даромад (фойда) олишни назорат килиш билан органик равишда боғланган холда , хўжаликнинг бутун тезкор фаолиятини камраб олади.

II -Боб: Корхоналари молиявий харажатларининг мазмуни ва самарадорлигини аниклаш.

2.1. Махсулот реализацияси ва ишлаб чиқариш харажатлари

Корхонада ишлаб чиқариш жараёни махсулотнинг тайёр булиши билан тугалланади. Бюджет, солиқ органлари ва банклар билан муносабатлар шундан сунг бошланади. Корхона махсулотини реализация килиб тушум олади. Сотишдан тушган тушум сотилган махсулот ва хизмат курсатишдан тушган пул маблаглари суммасини акс этиради. Тушум корхона пул даромадларининг асосий манбаи бўлиб хисобланади. Шундай экан корхона фойдаси шаклангунча сотишдан тушган тушум молиявий категория сифатида товарни етказиб берувчи ва истехмолчи уртасидаги пуллик муносабатларни акс эттиради. Савдо тушуми корхонанинг молиявий ресурслари ва пул маблагларинининг юзага келишида асосий манба бўлиб хизмат килади.

Савдо тушуми ялпи даромад ва пул жамгармалари категорияларини уз ичига олади. Ялпи даромад иш хаки фонди ва пул жамгармаларини, пул маблаглари эса айланма маблаглар ва омартизация учун маблагларни уз ичига олади. Пул жамгармалари иқтисодиётда ва илмий адабиётларда корхонанинг соф даромади сифатида талкин этилади. Соф даромад ишлаб чиқариш категорияси бўлиб, мехнат таксимооти билан боғлиқ, зарурий ва қўшимча махсулотга булинади. Қўшимча махсулот корхоналарда инсонлар томонидан яратилган махсулот бўлиб, жамиятнинг соф даромади хисобланади.

Юкорида куриб утганимиздек хар қандай ишлаб чиқаришда мехнат зарурий ва қўшимча мехнатга булинади, бу мехнатларнинг махсулоти хар доим умумий ижтимоий эҳтиёжларни кондиритиш учун хизмат килади. Қўшимча махсулот икки шаклда натурал ва киймат куринишида намоён булади. Товар пул муносабатлари шароитида қўшимча махсулот киймати(корхонанинг суф даромади) пул шаклида реализация килинади ва мустикал категория пул жамгармалари таркибига киради.

Ялпи драомад ва пул жамгармаларининг юзага келиш асоси бўлиб моддий ишлаб чиқариш сохасида яратилган қўшимча махсулотдир. Хар иккаласи мустикал категория сифатида харакат этади. Соф даромад хар қандай ижтимоий ишлаб чиқариш категорияси хисобланади. Пул жамгармалари эса таксимот категориясидир.

Пул жамгармалари фойда, акцизлар, қўшимча киймат солиги, ижтимоий ва тиббий суѓурта учун ажратмалар куринишида реализация килинади. Пул жамгармаларининг куп кисми фойда

куринишида булади. Иқтисодий моҳиятига кура фойда қўшимча маҳсулотнинг бир қисмининг пулдаги ифодасидир. Молиявий категория сифатида фойда такрор ишлаб чиқариш, рағбатлантириш ва назорат функциясини бажаради.

Такрор ишлаб чиқариш функцияси кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялаштиришда асосий манбалардан ҳисобланади. Рағбатлантириш корхона жамоасини рағбатлантириш ва ижтимоий ривожлантириш фондинининг юзага келиш манбаи ҳисобланади. Назорат функциясида корхона хўжалик фаолиятининг натижалари асосий курсаткич сифатида намоён булади. Фойда узининг юқорида курсатилган функциялари орқали иқтисодиётни зарур пул маблағлари билан тахминлайди.

Фойда хўжалик фаолиятининг молиявий натижаларини акс эттирувчи муҳим молиявий категориядир. Фойда асосан қуйидагича туркумланади.

Биз 2.1 жадвалда Қашқадарё вилоятида 1991-2011 йилларда саноат маҳсулотларини натура қуринишидаги ишлаб чиқарилиши ўсиши тўғрисидаги маълумотни кўриб чиқамиз.

Вилоятда 1991-2011 йилларда енгил саноат маҳсулотларини натура қуринишидаги ишлаб чиқарилиши тўғрисида маълумот

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	1991 йил	2001 йил	2011 йил кутилиш
1	Кийим-кечак (чакана баҳоларда)	млн сум	113651,52	424612	1353998,4
2	Ун	тонна	159033,6	174471	175648,8
3	Омухта ем	тонна	145974	56874	87069,6
4	Нон маҳсулотлари	тонна	61942,8	93357	105643,2
5	Кандолат маҳсулотлари	тонна	3876,36	999	576,0
6	Усимлик мойи	тонна	50433,6	24682	31096,8
7	Алкоголсиз ичимликлар	м.дкл	362,4	18	21,6
8	Консервалар	м.ш/б	166633,2	86283	0,0
9	Гушт маҳсулоти	тонна	11041,2	17725	19915,2
10	Колбаса маҳсулотлари	тонна	2607,6	308	199,2
11	Сут маҳсулотлари	тонна	30249,6	27301	33400,8
12	Сариег	тонна	2121,6	285	424,8
13	Калава ип (пряжа)	тонна	1632	1082,2	5522,4
14	Ип-газлама	тонна		1100	
15	Гуштли ярим-тайер маҳсулотлар	тонна	1353,6	61	0,0
16	Минерал сувлар	м/ярим литр	2410,8	4656	1956,0
17	Ипак иплар	м.дона		237,8	
18	Трикотаж буюмлари	м.дона		4591	1404,0
19	Макарон маҳсулотлари	тонна		3349	3909,6
20	Пахта чигити	тонна		147522	262471,2
21	Музкаймок	тонна			33,6
22	Ип-газмол (Х/Б)	млн кв.м	484,8	2087	4188,7
23	Пахта толаси	тонна	160297,2	96671	183384,0
24	Тозаланган ёғ	тонна			27626,4
25	Гилам ва паёндозлар	тонна		0,4	

Жадвалдан кўриб турганимиздек вилоятда ишлаб чиқаришни 1991 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсганини кўриб турибмиз.

- Баланс фойдаси, сотувдан тушган фойда ва нореализацион операциялардан тушган даромадни билдиради.
- Корхоналар тўғрисида қабул килинган қонунга қура ялпи даромад солиқ тортиш объекти сифатида баён этилган. Ялпи даромад маҳсулотни сотишдан тушган фойда, асосий фондлар ва бошқа корхона мулкларини сотишдан тушган фойда, нореализацион операциялардан тушган даромадни англатади.
- Сотишдан фойда товар маҳсулот, бошқа носаноат характеридаги ишлар, хизматларни сотишдан, сотиб олинган маҳсулот, материалларни сотишдан тушган фойдани акс эттиради.
- Асосий фондлар ва бошқа мулкларни сотишдан тушган фойда, бу мулкларни сотиш баҳоси ва дастлабки киймати уртасидаги фарқни билдиради, бундай фойдани аниқлашда инфляция индексининг ўсиши ҳам ҳисобга олинади.

- Нореализацион даромадлар ва харажатлар, булар қўшма корхоналарда ҳиссали қатнашишдан, мулкни ижарага беришдан, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қозғалар бўйича ўлушлар, ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган даромадлар ва харажатлар

Фойда шаклидаги пул қамгармаларининг реализацияси хўжалик юритиш методи ва корхона фаолияти билан бевосита боғлиқ. Фойда қорхонанинг даромадлилигини акс эттиради. Пул қамгармаларининг бошқа шакллариға нисбатан фойданинг ўсиш сурҳатлари меҳнатнинг самарадорлиги ва қандай даражада қажарилишиға ҳам боғлиқ.

Ишлаб чиқариш фондларидан қом ашё, материаллар, ёқилғи қабилардан фойдаланишнинг яқшиланиши таннарқнининг қамайиши ҳисобига фойда миқдорининг ўсишини қурсатади. Фойда қорхона молия ресурсларининг асосийсини ташқил этиб, тақрор ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш қаражатлари учун йуналтирилади. Олинган фойданинг маълум қисми, яқни бюджет ва банқлар билан бўлган муносабатлардан қолган қисми қорхона ихтиёриға қолади. Бозор иқтисодиёти ва қорхоналар мустақиллиги шароитида фойданинг бюджетдаги салмоқи қамайиб, қорхона ихтиёрида қоладиган фойданинг миқдори ошиб қормоқда.

Ташқилотнинг молиявий натижалари қуйидаги фойда қурсатқичлари билан белгиланади .

- Маҳсулот сотувидан аниқланган умумий фойда - маҳсулот реализацияси даромадидан сотилган маҳсулотларнинг таннарқига оид қаражатларининг айирмаси .

$$\Phi_y = D_p - X_{tr}$$

бунда

D_p - маҳсулот реализацияси даромади

X_{tr} - сотилган маҳсулотларнинг таннарқига оид қаражатлари

- Асосий фаолиятидан аниқланган фойда-маҳсулот сотувидан аниқланган умумий фойдасидан давр қаражатлари ҳамда булақ даромадларни қушиб ёқи зарарларни айириб

$$\Phi_{ac} = \Phi_y - X_d + D_b - Z_b$$

бунда

Φ_y - маҳсулот сотувидан аниқланган умумий фойдаси

X_d - давр қаражатлари

D_b - булақ фаолиятидан даромадлар

Z_b - булақ фаолиятидан зарарлар .

- Хўжалик ишларидан олинган фойда (зарар)- Асосий фаолиятидан аниқланган фойдасиға дивидентлар аниқланган фойда қушилиб , қорижий валютадан , инвестиция маблағларининг қиммат баҳо қозғаларға қайта нарқлаш натижасидаги ва фойзалардан аниқланган фойдалари бўлса қушиб, агар зарар бўлса айириш қерак .

$$\Phi_{ux} = \Phi_{ac} + D_{div} + D_{\phi} (+ \backslash -) V_{dz} (+ \backslash -) I_{perdz} - Z_{\phi}$$

бунда

Φ_{ac} - асосий фаолиятидан аниқланган фойдаси

Ддив- дивидентлар аникланган фойда

Вдз - хорижий валютадан даромад ёки зарар

Ипердз -инвестиция маблагларининг киммат баҳо
когозларга қайта нархлаш натижасидаги даромад ёки зарар .

Дф - фоизлардан аникланган фойда

Зф - фоизлардан аниколанган зарар .

- Солиққа тортиладиган фойда - хўжалик фаолиятдан аникланган фойдасига фавкулотдаги вазиятларда аникланган фойдаси кушилади , зарари айирилади .

$$\text{Фсол} = \text{Фух} + \text{Ффав} - \text{Зфав}$$

бунда

Фух -хўжалик фаолиятдан аникланган фойдаси

Ффав - фавкулотдаги вазиятларда аникланган фойда

З фав - фавкулотдаги вазиятларда аникланган зарари

- Соф фойда - солиқ тўловларидан кейин ташкилот ихтиёрида қолган фойда

$$\text{Ф соф} = \text{Фсол} - \text{Сф} - \text{Сб}$$

бунда

Фсол - Солиққа тортиладиган фойда

Сф - фойдага ҳисобланадиган солиқ

Сб - бошқа солиқлар

1. Ишлаб чиқариш жараенида ҳаракат қилиш ҳаққлари бўйича меҳнат воситалари (машиналар,ускуналар,бинолар) истеҳмол қийматларининг вужудга келтиришда тула иштирок этади,бирок буюм жихатдан захирага қирмайди ва бир қатор доиравий айланиш лар давомида узининг маҳсулот шаклини саклаб қолади. Меҳнат предметлари (ҳом ашё,асосий ва ерданчи материаллар) товар истеҳмол қийматини вужудга келтиришдан иштирок этиб,ҳар бир доиравий айланишда тула туқис истеҳмол қилинади ва узининг захира шаклини ўзгартириб,буюм жихатдан янги маҳсулотга ўтади.

2. Қийматли маҳсулотга ўтқизиш усули бўйича меҳнат воситаларининг қиймати ҳар бир доиравий айланишда,қисман яратилаётган материал захирага ўтади,истеҳмол қилинган меҳнат предметлари қиймати эса тулалигича материал захирага ўтади.

